

# ЎТМИШГА НАЗАР

МАХСУС СОН

---

# ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

СПЕЦИАЛЬНЫЙ ВЫПУСК

---

# LOOK TO THE PAST

SPECIAL ISSUE



**Бош муҳаррир:**  
**Главный редактор:**  
**Chief Editor:**

**Муртазаева Раҳбар Хамидовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бош муҳаррир ўринбосари:**  
**Заместитель главного редактора:**  
**Deputy Chief Editor:**

**Джураева Нилуфар Далибаевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

**"Ўтмишга назар" илмий журнали таҳририй маслаҳат кенгаши**  
**редакционный совет научного журнала "Взгляд в прошлое"**  
**Editorial board of the scientific journal Looking into the past**

**Кебадзе Мадонна**

*Доктор исторических наук, Телавский  
государственный университет, Грузия*

**Бурдиашвили Майя**

*Доктор исторических наук, Телавский  
государственный университет, Грузия*

**Кожакесва Ляззат Темировна**

*тарих фанлари доктори, доцент,  
Хотин-қизлар давлат педагогика университети,  
Қозоғистон Республикаси*

**Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич**

*тарих фанлари доктори, профессор, академик,  
Ўзбекистон Миллий университети*

**Бобожонова Дилором Бобожонова**

*тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон  
жаҳон тиллари университети*

**Зияева Доно Хамидовна**

*тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти*

**Аширов Адҳам Азимбаевич**

*тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти*

**Агзамова Гулчехра Азизовна**

*тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти*

**Ульжаева Шохистахон Мамажоновна**

*тарих фанлари доктори, Тошкент  
кимё - технология институти*

**Бабаджанова Нодира Абдуллаевна**

*тарих фанлари номзоди, Ўзбекистон  
давлат жаҳон тиллари университети доцент*

**Эргашева Юлдуз Алимовна**

*Тарих фанлари доктори, профессор  
Қариш муҳандислик-иқтисодиёт институти*

**Теймураз Ахалмосулишвили**

*профессор, Телавский государственный университет,  
Грузия*

**Халикова Раҳбар Эргашевна**

*тарих фанлари доктори, профессор, Тошкент  
давлат техника университети*

**Ишанходжаева Замира Райимовна**

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон  
Миллий Университети*

**Кобзева Ольга Петровна**

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон  
Миллий университети*

**Одилов Аброр Анварович**

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон  
Миллий университети*

**Ерметов Аваз Абдуллаевич**

*тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон  
Миллий университети*

**Сайнова Камола Давляталиевна**

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон  
Миллий университети*

**Джоробекова Айнур Эшимбасковна**

*тарих фанлари номзоди, профессор, Ташқи ишлар  
вазирлиги қошидаги Дипломатия академияси,  
Қозоғистон Республикаси*

**Толипов Файзулла Саидович**

*Тошкент давлат техника университети доцент,  
тарих фанлари номзоди*

**Page Maker\Верстка\Саҳифаловчи:** Хуршид Мирзахмедов

**Контакт редакций научных журналов. [tadqiqot.uz](http://tadqiqot.uz)**

ООО Tadqiqot, город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)

Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of [tadqiqot.uz](http://tadqiqot.uz)**

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)

Phone: (+998-94) 404-0000

## МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

<b>45. Mirzaliyev U.B. Xasanov M.M.</b> O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY ARXIVLAR FAOLIYATINI TASHKIL ETISH BORASIDAGI ISHLAR VA ISLOHOTLAR.....	362
<b>46. Муминов А., Норов Ш.</b> ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК: ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА ВА ЎЗБЕКИСТОНДАГИ АМАЛИЁТ.....	367
<b>47. Норқўчқаров Х. Э., Мансуров У.Ж.</b> АФФОНИСТОНДАГИ ЎЗБЕК ЗИЁЛИЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИ (XX АСРНИНГ II ЯРМИ - XXI АСР БОШЛАРИ).....	373
<b>48. Мўминова Г.Э.</b> ЎЗБЕКИСТОНДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҶАСИНИНГ ТАРАҚҚИЁТИ ВА УНИНГ НАТИЖАЛАРИ.....	379
<b>49. Муталлибжонов М.М.</b> ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРНИНГ ЁШЛАР СИЁСИЙ ФАОЛЛИГИ ВА СИЁСИЙ МАДАНИЯТИГА ТАЪСИРИ.....	387
<b>50. Нафиддинова Х.Р.</b> БУХОРО ТҶЙ-ҲАШАМЛАРИ: ЎТМИШ ВА БУГУН.....	392
<b>51. Норматов О.</b> ЎРТА ЗАРАФШОН ОКРУГИ ТАРИХИГА ОИД АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР....	398
<b>52. Нурматова М.М.</b> ЖУРЖИЙ ЗАЙДОННИНГ "ФАРҒОНА КЕЛИНИ" РОМАНИДА ТАРИХИЙ ШАХСЛАРНИНГ АКС ЭТТИРИЛИШИ.....	405
<b>53. Пардаев А.А.</b> ҚАШҚАДАРЁ ВОҲАСИДАГИ ДЕМОГРАФИК ЖАРАЁНЛАР (1989-2019 ЙИЛЛАР).....	410
<b>54. Примова Ф.А.</b> МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИ ТАРИХИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЪЛИМ ТАРБИЯНИНГ ИНСОНПАРВАРЛИГИ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ.....	416
<b>55. Расулов А.М.</b> ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАРИХИДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ЎРНИ.....	424
<b>56. Расулов Ҳ.М.</b> ШАРҚ ВА ҒАРБ: СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ КОМПОНЕНТЛАРИ УЙҒУНЛИГИ.....	429

## МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT


- 57.Рахматова Н.М.**  
ЎЗБЕКИСТОНДА ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ ТАРИХИДАН (XX АСРНИНГ  
90-ЙИЛЛАРИ МИСОЛИДА).....437
- 58.Рузматова Ш. А.**  
XVII АСР ОХИРИ XVIII АСР БОШЛАРИДА ФАРФОНА  
ВОДИЙСИДАГИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ, СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАР....444
- 59.Samatova F.N., Qurbonov B.G', Mahmudova N.**  
O'ZBEKISTONNING MARKAZIY OSIYO DAVLATLARI BILAN  
SHANXAУ NAMKORLIK TASHKILOTI DOIRASIDAGI ALOQALARI.....452
- 60.Саттаров А.М.**  
1946-1990 ЙИЛЛАРДА МИРЗАЧЎЛНИ ЎЗЛАШТИРИШДА  
ФАРФОНА ВОДИЙСИ АҲОЛИСИНИНГ КЎЧИРИЛИШИ ТАРИХИДАН..... 462
- 61.Тажимирзаев Э.**  
АРХИВ ҲУЖЖАТЛАРДА ФАРФОНА ВОДИЙСИ ҚИШЛОҚЛАРИ  
АҲОЛИСИ ОРАСИДА ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАРНИНГ  
ТАРҚАЛИШИ ВА ТИББИЙ МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИ  
(1960-1970 ЙИЛЛАР).....469
- 62.Топилдиева М.Р.**  
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СУДИНИНГ ТАШКИЛ  
ТОПИШИ ТАРИХИ.....476
- 63.Тошпўлатов Б.Ш.**  
XX АСРДА ТУРКИСТОНДА ТИББИЁТ ЙЎНАЛИШИ  
ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛИШИ.....484
- 64.Ўлжаева Ш.М., Тошпўлатова Н., Сурождинова М.**  
АМИР ТЕМУРНИНГ МЎҒУЛЛАРГА ВА МАҲАЛЛИЙ  
ҲУКМДОРЛАРГА ҚАРШИ ҚЎЛЛАГАН ҲАРБИЙ ҲИЙЛАЛАРИ  
("ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ"МИСОЛИДА).....491
- 65.Тоштемирова Н.Д.**  
ЎЗБЕКИСТОНДА БОЛАЛАР САЛОМАТЛИГИНИ МУҲОФАЗА  
ҚИЛИШ ИШИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ.....496
- 66.Турсунов А.А., Хамзаева Г.Н., Обидова О.А.**  
МУҲАММАД ҲАКИМХОН ТЎРАНИНГ "МУНТАХАБ  
АТ-ТАВОРИХ" АСАРИДА ҚЎҚОН ХОНЛИГИ ДАВЛАТ  
БОШҚАРУВИНИНГ ТАЛҚИН ЭТИЛИШИ.....502

# ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Тажимирзаев Элёрбек,  
Бобур номидаги Андижон давлат университети  
катта ўқитувчиси  
tojimirzayev1984@mail.ru

## АРХИВ ХУЖЖАТЛАРДА ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ҚИШЛОҚЛАРИ АҲОЛИСИ ОРАСИДА ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАРНИНГ ТАРҚАЛИШИ ВА ТИББИЙ МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИ (1960-1970 ЙИЛЛАР)

*For citation: Tajimirzayev Elyorbek. INFECTIOUS DISEASES INCIDENCE AND THE ACTIVITIES OF MEDICAL INSTITUTIONS IN THE VILLAGES OF THE FERGHANA VALLEY IN ARCHIVAL DOCUMENTS (1960-1970). Look to the past. 2020, SI, pp. 469-475*

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-SI-61>

### АННОТАЦИЯ

Мақолада 1960-1970 йилларида Фарғона водийси қишлоқлари аҳолиси орасида юқумли касалликларнинг тарқалиши сабаблари, санитар эпидемиологик станциялар фаолияти ва тиббий муассалар ҳолати масалалари архив хужжатлари асосида таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** шифохона, бемор, колхоз, қишлоқ, акушерлик-фельдшерлик пункти, тиббиёт ходими, район, юқумли касалликлар, ичимлик суви.

Тажимирзаев Элёрбек,  
Старший преподаватель,  
Андижанский государственный  
университет им. Бобура,  
tojimirzayev1984@mail.ru)

## ЗАБОЛЕВАЕМОСТЬ ИНФЕКЦИОННЫМИ ЗАБОЛЕВАНИЯМИ И ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ МЕДИЦИНСКИХ УЧРЕЖДЕНИЙ В СЕЛАХ ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЫ В

## АРХИВНЫХ ДОКУМЕНТАХ (1960-1970 ГОДЫ)

### АННОТАЦИЯ

В статье анализируются причины возникновения инфекционных заболеваний среди жителей села Ферганской долины в 1960-х и 1970-х годах, анализируется деятельность санитарно-эпидемиологических станций и состояние медицинских учреждений на основе архивных документов.

**Ключевые слова:** Больница, пациент, колхоз, село, акушерско-фельдшерский пункт, медицинский работник, район, инфекционные заболевания, питьевая вода.

**Tajimirzayev Elyorbek,**

Senior teacher at Andijan State University  
named after Z. M. Babur  
tojimirzaev1984@mail.ru

## INFECTIOUS DISEASES INCIDENCE AND THE ACTIVITIES OF MEDICAL INSTITUTIONS IN THE VILLAGES OF THE FERGHANA VALLEY IN ARCHIVAL DOCUMENTS (1960-1970)

### ABSTRACT

The article analyzes the causes of infectious diseases among residents of the village of Ferghana Valley in the 1960s and 1970s, analyzes the activities of sanitary-epidemiological stations and the state of medical institutions based on archival documents.

**Index terms:** Hospital, patient, collective farm, village, obstetric-paramedic station, medical worker, district, infectious diseases, drinking water.

Долзарблиги. Архив ҳужжатлари тарихий тадқиқотларда муҳим ўрин тутувчи манба тури ҳисобланади. Уларда ўлканинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маданий соҳаларига оид илмий қимматга эга бўлган маълумотлар мужассамлашган. Жумладан, архив ҳужжатларида Фарғона водийси қишлоқларининг аҳолисига тиббий ёрдам кўрсатиш масалаларига доир кўплаб маълумотлар мавжуд. Айниқса, бундай маълумотлар ЎзР Марказий давлат архиви (МДА), ЎзР Илмий-техникавий ва тиббий ҳужжатлар марказий давлат архиви, Фарғонаводийси вилоятлари давлат архиви ҳужжатларида ўз аксини топган.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Мақола умум қабул қилинган тарихий методлар-тарихийлик, қиёсий-мантиқий таҳлил, кетма-кетлик, холислик тамойиллари асосида ёритилган.

3. Тадқиқот натижалари:

Андижон вилояти аҳолисига 1970-йиллар бошида 15 та шаҳар шифохоналари, 12 та марказий район шифохоналари, 4 та бир нечта районга хизмат кўрсатувчи район шифохоналари, 52 та участка шифохоналари, 4 та тери таносил диспансери, 9 та район туберкулез шифохонаси, 5 та юқумли касалликлар шифохонаси, 179 та акушерлик-фельдшерлик пункти, 128 та фельдшерлик пункти, 96 та шифокорлик ва фельдшерлик соғлиқни сақлаш пунктлари, 18 та поликлиника тиббий хизмат кўрсатган. Уларда жами 1732 шифокор ва 5608 ўрта тиббиёт ходимлари фаолият юритган[1,Б.3].

Шунингдек, вилоятда санитар аҳволни назорат қилувчи 1 та вилоят, 1 та шаҳар ва 12 та район санитар-эпидемиологик станцияси мавжуд эди.

Архив ҳужжатларида вилоят аҳолиси орасида тарқалган касалликлар ҳақида ҳам маълумотлар мавжуд. Жумладан, 1973 йилда қорин тифи билан касалланган беморлар сони 1972 йилдагига нисбатан 25 фоизга камайган бўлса, паратифга чалинган беморлар сони 8 фоизга ошган эди. Жалолқудуқ, Балиқчи ва Ленин районларининг баъзи колхозларида паратиф билан оғриган беморлар сони райондаги ўртача кўрсаткичлардан 1,5-12 баравар ортиқ эди. Масалан, Балиқчи районида 1973 йилда 65 нафар бемор қорин тифига чалинган, яъни вилоятда шу касалликка учраган беморларнинг 28 фоизи ушбу райондаги беморларни ташкил қилган[1,Б.42]. Эпидемиологик таҳлил натажалари мазкур районда қорин тифи ва паратиф касаллигига чалинган беморлар сони доимий бир хил бўлганлигини кўрсатади. Районнинг барча колхозларида қорин тифи билан оғриган беморлар учраган. 6 та колхознинг 37 қишлоғидан 18 тасида қорин тифи ва паратиф касалига учраган беморлар бўлиб, айниқса, Қияли, Култепа, Отбозор, Наримон қишлоқлари ва Чинобод посёлкасида бундай беморлар сони бошқа қишлоқдагиларга нисбатан кўпчиликти ташкил қилган[1,Б.44].

Мазкур касалликнинг аҳоли орасида кенг тарқалганлигига асосий сабаб аҳолини сув қувурлари орқали ичимлик суви билан таъминлашнинг аҳволи ёмонлиги билан боғлиқ эди. Қишлоқлардаги 1166 та аҳоли пунктдан ва шаҳардаги кўчалардан фақат 537 таси тоза ичимлик суви билан таъминланган эди. Вилоят районларида сув қувури қурилиши доимий равишда тўхтаб қолган. Жумладан, 1973 йилда Андижон вилояти ижроия комитети 133,2 км. узунликдаги 30 та сув қувури қуришни режалаштирган эди, аммо фақат 73,8 км. узунликдаги 14 та водопрод қурилди, яъни режа 48 фоизга бажарилди[1,Б.42]. Айниқса, Қўрғонтепа, Ленин, Пахтабод, Москва районларида водопровод қурилиши аянчли аҳволда эди, шунинг учун ҳам мазкур масала вилоят партия комитети йиғилишда бир неча марта кўриб чиқилган.

Андижон вилояти аҳолиси орасида бўғма (дифтерия) каби юқумли касалликгикенг тарқалган эди. Вилоятнинг баъзи районларида бўғма касаллиги тарқалиши ҳақида архив ҳужжатларида маълумотлар келтирилади. Жумладан, 1973 йил октябрида Балиқчи районида бўғма тарқалиб кетганлигига доир маълумот мавжуд. Унда келтирилишича, 25-30 октябрь орасида ушбу районда 17 нафар бемор бўғма касалига чалинган. Улардан фақат бир нафари ушбу касалликка қарши эмланганлиги ноаниқ, бошқалари эса эмланган эди. Уларнинг 15 нафари мактаб ўқувчиси ва иккитаси мактабгача ёшдаги болалардан иборат бўлган[1,Б.138].

Эпидемиология станциялари болаларнинг ҳақиқатан ҳам эмланганлигини текшириб, баъзи ҳолатларда улар эмланмаганлигини аниқлаб, 3 нафар фельдшерга жинорий иш очилганлиги архив ҳужжатларидан маълум бўлади. Шунинг учун ушбу районда болаларни қайтадан бўғмага қарши эмлаш амалга оширилди. Бундан ташқари, қизамиқ, туберкулёз каби касалликларга қарши эмлаш ишлари олиб борилди. Вилоят аҳолиси орасида юқумли касалликларга қарши маърифий ишлар ўтказилди.

1973 йилда Наманган вилоятида 1972 йилга нисбатан қорин тифи билан касалланиш 77 фоизга ошган эди. Вилоятнинг 11 та районида 9 та районида бундай ўсишни кузатиш мумкин эди. Энг кўп касалланганлар Наманган шаҳри ва шаҳарга яқин бўлган Уйчи райони бўлиб бу касалликка дучор бўлган 58 фоиз беморларни ташкил этган. Таҳлиллар натижасига кўра бу касаллик асосан сув

йўли орқали (70 фоизи) тарқалган. Наманган шаҳрида сув йўли билан тарқалувчи бу эпидемия сурункали равишда давом этган. Бир неча йиллар давомида Наманган шаҳрида бу касаллик юқори даражада бўлган. Айниқса ёз мавсумида бундай беморлар сони кўпайиб кетган. Касаллик билан асосан боғча ёшидаги болалар ва ўқувчилар касалланиб улар шаҳарнинг ариқдан сув ичадиган аҳоли яшайдиган қисмида яшаганлар. Болалар чўмилиш даврида ва қайнатилмаган ариқ сувини ичиш натижасида бу касалликка чалинган. Худди шундай Уйчи районида ҳам касалликни тарқалиши тоза бўлмаган ариқ сувини ичиш сабаб бўлган. Наманган районида эса сабзавотчилик колхози далаларидан оқизилган сув ариққа тушиб сувни ифлослантирган. Аҳоли пахта териш кампанияси бошланиши билан ариқдаги сувни истемол қилишни бошлаган. Бунинг натижасида пахта теримчилари орасида бу касаллик тарқала бошлаган. Шунинг учун ҳар бир районда 6-10 та сув хавзалари текширилган. Бир йилда 841 та тадқиқот ўтказилган. Улардан 13 та ҳолатда инфекция борлиги аниқланган[2,Б.34].

Бундан ташқари паратиф касаллиги озиқ-овқат истемоли орқали ҳам юқтирилган. Асосан сут маҳсулотлари истемол қилиш орқали ўтган[2,Б.35].

Наманган вилоятида 1964-1973 йилларда ўткир ошқозон ичак касалликларининг кўпайганлигини кўриш мумкин. Жумладан, бу касаллик билан вилоятда 1964 йилда 3523 нафар киши касалланган бўлса, 1973 йилда уларнинг сони 10238 нафарга етган[2:38]. Шулардан шаҳар аҳолиси 2446 нафарни ташкил этган бўлса, қишлоқ 7792 нафарни ташкил этган[2,Б.39]. Ўткир ошқозон ичак касаллигига чалинган беморларни газплитизация қилишига эътибор берсак масалан дизентерия (ичбуруқ) касаллигига чалинган беморлар 1973 йилда 1848 нафарни ташкил этган бўлса, касалликка чалинганлар 1849 нафари газплитизация қилинган бўлса ундан 912 нафари шаҳар аҳолиси, 937 нафари эса қишлоқ аҳолисининг ташкил этган[2,Б.44]. Ваҳоланки бу йилда дизентерия ёки ичбуруқ касаллиги чалинган беморларни сони 2230 нафарни ташкил этган. Жумладан шаҳарликлар 979 нафарни, қишлоқликлар 1251 нафарни ташкил этган[2,Б.39]. Яъни ичбуруқ касаллиги чалинган беморлар ичида қишлоқ аҳолиси кўпчиликти ташкил қилсада, газплитизация қилинганларнинг кўпчилиги шаҳар аҳолисининг ташкил этган. 1973 йилда ўткир ошқозон ичак касалликлари 10238 нафар киши чалинган бўлса, улардан улардан 145 нафари вафот этган[2,Б.46].

1964-1973 йилларда Наманган вилоятида қизамиқ касаллиги тарқалиши ҳам анча пасайган эди. Жумладан вилоятда 1964 йилда 4556 нафар, 1973 йилда 463 нафар киши қизамиққа чалинганлиги кўриш мумкин. 1964 йилда 100 минг аҳолига ўртача ҳисобда 628 нафар, 1973 йилда эса 49,1 нафар бемор тўғри келган[2,Б.94]. 1973 йилда шаҳарда 279 нафар киши, қишлоқда эса 184 нафар киши қизамиққа чалинган. Шаҳар аҳолиси қишлоқ аҳолисига нисбатан кўпроқ чалингани кўрилади. Маълумотларга кўра 1973 йилда 100 минг аҳолидан шаҳарда 111,6 нафар киши, қишлоқда 26,7 нафар киши тўғри келган. Бу касаллик билан газплитизация қилинганлар вилоят бўйича 238 нафарни яъни барча беморлардан 51,1 фоизни ташкил қилган бўлса, газплитизация қилинганлар ичида шаҳар аҳолиси 140 нафарни (49,9 фоиз), қишлоқ аҳолиси 98 нафарни (53,2 фоизни) ташкил қилганлиги кўрамаиз[2,Б.95].

1973 йилда вилоятда 432491 нафар бола рўйхатга олинган бўлса, улардан 50380 нафари қизамиққа қарши эмланмаган эди. Қизамиққа қарши эмланган болалар 172 нафари ушбу касалликка чалинган[2,Б.101]. Қизамиққа қарши эмланмаган 287 нафар бола қизамиққа чалинди. Демак бу касалликка чалинганларнинг ичида

459 нафари болалар бўлса, 4 нафари 18-19 ёшдаги ёшларни ташкил этган[2,Б.102].

1968-1970 йилларда болаларни қизамиққа қарши эмлашга қаршиликлар бўлсада эмлангани сабабли улардан бу касалликка қарши иммунитет яхши ишлаб чиқарилмаган. Шунинг учун ҳам 1973 йилда Чуст шаҳри ва Поп районида қизамиқ билан касалланиш ҳолатлари кескин кўпайиб кетган. Шу сабабли 1968-1970 йилларда қизамиққа қарши эмланган болалар қайта эмланишига тўғри келган[2,Б.104].

1950 йилларга нисбатан 1961 йилда Фарғона вилоятида гепатит касаллигидан бошқа юқумли касалликлар тарқалишида пасайиш кузатилди. Масалан, 1958 йилда 10000 аҳолига 12,2 нафар тиф паратиф касалликларига учраган беморлар тўғри келган бўлса, 1963 йилда 9,3 нафарни ташкил этди. Шунингдек дизентерия касаллигида ҳам 1961 (19,4 нафар) йилда 1958 (49 нафар) йилга нисбатан пасайиш кузатилди[3,Б.42]. Шунга мувофиқ равишда ўткир ичак инфекциясига 174,9 нафардан 103,1 нафарга камайган. Бу давр мутахассисларининг таъкидлашича мазкур гуруҳдаги юқумли касалликларни тарқалиши асосий сабабларидан бир аҳоли яшаш жойларининг санитар ҳолати қониқарсизлиги ва сифатли ичимлик сувининг етишмаслиги, шунингдек канализация ва тозалаш қурилмаларининг етишмаслиги, турмуш шароитининг ва иш шароитининг яхши эмаслиги, ҳамда аҳоли орасида етарли равишда тарғибот ишлари олиб борилмаслигида деб ҳисоблаш мумкин. 1960 йилларнинг бошида вилоят 214 км водопровод қувири, 25,4 км канализация тизими ишга туширилган ва 425 та артезиан қудуғи қазилган. Биргина Бағдод районида колхозлар маблағига 97 та артезиан қудуғи қазилган. 1960 йилларнинг бошида 1950 йилларнинг охирига нисбатан юқумли касалликларнинг шифоханаларда ётиб даволаш ҳам кўпайиб борди. Агар 1957 йилда дизентериядан ташқари ўткир ичак юқумли касалликларини даволашда газплитизация 35,8 фоизни ташкил қилган бўлса, 1961 йилда 52,5 фоизни ташкил этган. Шунингдек беморларни касалликнинг дастлабки босқичлари даврдан газплитизация қилиш ҳолати яхшиланди. Жумладан 1957 йилдан дизентерияга чалинган беморларнинг дастлабки икки кунда газплитизация қилиниши 29,4 фоизни ташкил қилса, 1961 йилда бу кўрсаткич 41,5 фоизни ташкил этди[3,Б.43]. Бундан ташқари юқумли касалликларга қарши эмлаш ошганлиги ҳам ушбу касалликларни камайишига таъсир кўрсатди. Масалан, тиф, паратифга қарши 1957 йилга нисбатан, 1961 йилда икки баробар кўп эмланди. Бундан ташқари кичик синф ўқувчиларига профилактик эмлаш киритилган сўнг тиф, паратиф билан касалланган беморлар ёш таркибида ўзгариш кузатилди. Беморлар орасида мактаб ёшидаги болаларнинг миқдори анча камайди. Жумладан 1958 йилда беморлар умумий сонининг 39,8 фоизини ўқувчилар ташкил қилган бўлса, 1961 йилда бу кўрсаткич 24,4 фоизни ташкил этди. Ўткир ичак юқумли касалликларида пасайиш кузатилган бўлсада аммо аҳоли орасида бу касалликларга чалиниб анча баланд эди. Фарғона вилояти шаҳар ва районларида ўткир юқумли ичак касалликлари билан касалланиш даражаси турлича бўлган 1961 йилда Марғилон ва Қўқон шаҳарларида Фарғона шаҳридагига қараганда тиф, паратиф касаллиги икки баробар кўп учраган. Фарғона шаҳрида 10000 минг аҳолига 165,2 нафар ўткир юқумли ичак касалликлари бўлган бўлса, Қўқонда бу кўрсаткич 217,7 нафарни ташкил этган. Худди шундай текисликни районлар ўртасида ҳам кўришимиз мумкин. Масалан, Куйбишев районида ўткир юқумли касалликлари билан 48,8 нафар бемор касалланган бўлса, Марғилон райони- 60,8 нафар, Поп районида эса 170,8 нафар бемор тўғри келган[3,Б.44].

1973 йилда Фарғона вилоятида 1964 йилда 1973 йил орасида вирусли гепатит билан касалланиш энг юқори даражага чиққан эди. Яъни 100 минг кишига 699 нафар бемор тўғри келган. 1972 йилдаги нисбатан 27 фоизга ўсган эди. Вилоятда шаҳар аҳолисининг ушбу касалликка чалиниши қишлоқ аҳолисига нисбатан юқори бўлиб шаҳарларда 850,9, қишлоқларда 699ни ташкил этган. 1973 йилда вилоятда Фарғона, Кўқон, Марғилон шаҳарлари ҳамда Охунбобоев, Ленинград районларида касаллик вилоятнинг бошқа районларига нисбатан ўртача вилоят кўрсаткичидан юқори бўлган. 1972 йилга нисбатан 1973 йилда ясли ёшидаги ташкиллаштирилган болаларнинг касалланиши икки баробарга ошган. Болалар боғчалари ёшидаги беморлар 28 фоизга ошган. Беморларнинг 99,9 фоизи газплитизация қилинган[4.Б.8].

60 - йилларнинг охири 70 йиллар бошида шприцлар катта дефицит бўлган. 1973 йилда тиббий муассасалар сўраган шприцлар билан тўлиқ таъминланмаган. Жумладан, бир граммлик шприцлар билан 43,1 фоизга, 10 грамм шприц - 54,1, 20 граммлик - 30,4 фоизга бажарилган[4.Б.9]. Шунинг учун аҳоли орасида гепатитга қарши профилактика ишлари олиб бориш етарли бўлмаган.

Гепатит касаллигини тарқалиши заҳарли химикатларни қўлланиши ҳам катта таъсир кўрсатган. Масалан, 1972 йилда вилоятда 14151,8 тонна заҳарли химикат ишлатилиб аҳолига жон бошига ўртача ҳисобда 9,7 кг. тўғри келган. Баъзи районларда (Ленинград ва Ўзбекистон районлари) бу кўрсаткич 20,7-28 кг.ни ташкил этган. Аммо махсус лабораториялар ва диагностика мезонлари бўлмаганлиги сабабли заҳарли гепатит диагносини қўйиш қийин эди[4.Б.10].

Фарғона вилояти Риштон районида 144 та артезиан қудуғи бўлиб, улардан фақат 17 тасидан водопровод тармоғи чиққан. Водопровод қувурлари тез-тез носозликларга учраган ёки носозликлар келиб чиққан. Масалан, 1970 йилларнинг бошида Риштон совхозидagi "Дутир", "Қурамабод" деган жойларда таъмирловчи усталарнинг бўлмаганлиги сабабли узоқ вақт ишламаган. Водопровод тармоғи асосан ёпиқ сув ҳавзаларидан чиққан бўлиб, фақат 1 та водопровод оддий усулда сув хлорлаштирилган. Қолган жойларда мутахассислар йўқлиги сабабли хлорлаш қурилмалари ишга туширилмаган эди[4.Б.27]. Аҳолининг сифатли ичимлик суви билан таъминланмаган жойларда юқумли касалликлар бошқа жойларга нисбатан кенг тарқалган.

1973 йилда Фарғона вилоятида 5282 та дизентерия касаллигига чалинган ҳолатлар қайд этилган. Бу 1972 йилдаги ҳолатдан 29,4 фоизга кўп эди. 100 минг нафар аҳолига 350 бемор тўғри келган. Бу йилда вилоятда ўткир-ичак касалликлари ичида дезентерия учдан икки қисмини ташкил этган[4.Б.32].

#### 4.Хулосалар:

Хулоса қилиб таъкидлаш жоизки, Фарғона водийси қишлоқ аҳолиси орасида 1960-1970 йилларда юқумли касалликларнинг тарқалишига қишлоқ аҳолисининг етарли миқдорда тоза ичимлик суви билан таъминланмаганлиги, санитарик ҳолатларни ёмонлиги, тиббий муассасалар фаолиятининг талаб даражасида йўлга қўйилмаганлиги бу касалликларнинг кенг тарқалиши олиб келган. Мақолада мазкур ҳолатлар статистик маълумотлар асосида таҳлил қилиниб, ёритилиб берилган.

#### Иқтибослар/Сноски/References:

1. Ўзбекистон Республикаси Илмий-техникавий ва тиббий ҳужжатлар Миллий давлат архиви (ЎзРИТТХ МДА), Р.40-фонд, 4-рўйхат, 42-иш (The Republic of

Uzbekistan Scientific-technological and medical documents National State Archive (UzRSTMD NSA), P.Fund-40, list-4, work-42)

2. ЎзР ИТТХ МДА, Р.40-фонд, 4-рўйхат, 45-иш(UzRSTMD NSA, P.Fund-40, list-4, work-45)

3. ЎзР ИТТХ МДА, Р.62-фонд, 1-рўйхат, 394-иш(UzRSTMD NSA, P.Fund-62, list-1, work-394)

4. ЎзР ИТТХ МДА, Р.40-фонд, 4-рўйхат, 51-иш(UzRSTMD NSA, P.Fund-40, list-4, work-51)

## ЎТМИШГА НАЗАР

---

## ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

---

## LOOK TO THE PAST

**МАХСУС СОН**

**Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**

ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000